

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

37-38-сон
(225-226)
2006 й.
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

365. «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июн) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-46-сон Қонуни
366. «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-47-сон Қонуни
367. «Шахар ўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-48-сон Қонуни
368. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-49-сон Қонуни
369. «Микромолиялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-50-сон Қонуни

370. «Фирма номлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-51-сон Конуни
371. «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-52-сон Конуни
372. «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сон Конуни
373. «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилингани муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-54-сон Конуни
374. «Солиқ маслаҳати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрдаги ЎРҚ-55-сон Конуни

Иккинчи бўлим

375. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармон ва қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги ПФ-3800-сон Фармони
376. «2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсionер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон қарори
377. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-460-сон қарори

+

Учинчи бўлим

378. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-31-сон Конуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 сентябрдаги 194-сон қарори
379. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ранги металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 сентябрдаги 197-сон қарори

380. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдағи ПҚ-423-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 сентябрдаги 198-сон қарори
381. «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомилаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарори
382. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 сентябрдаги 202-сон қарори

Бешинчи бўлим

383. «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли коғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 6 сентябрдаги 2006-09-сон бўйрги. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 11 сентябрда 1158-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

+ 384. «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафифа муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов контракт шакли бўйича ўқишига қабул қилинган талабаларни моддий кўллаб-куватлаш ғоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2006 йил 12 сентябрдаги 80, 211-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 сентябрда 1622-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 9 сентябрдан 22 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

365 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш хақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда
маъқулланган

— +
2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (Шанхай, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 11 сентябрь,
ЎРҚ-46-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

366 Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда
маъқулланган

1-модда. Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 сентябрь,
ЎРҚ-47-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

367 «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш хақида**

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 9 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги 419-I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 124-модда) **7-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ёки жисмоний»** деган сўзлар чиқариб ташлансин.

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

** Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 сентябрь,
ЎРҚ-48-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

368 «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 15 июнда қабул қилинган

— Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъкулланган

+

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 216-I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) 7-моддасининг олтинчи қисми «этиш ҳоллари» деган сўзлардан кейин «шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган бошка ҳоллар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-49-сон

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

369 Микромолиялаш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 21 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун уларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Микромолиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Микромолиялаш

Микромолиялаш микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага (бундан бўён матнда шартнома деб юритилади) мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

4-модда. Микрокредит

Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилилк, муддатлилилк ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

5-модда. Микроқарз

Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилилк ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилилк шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

6-модда. Микролизинг

Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан ли-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

зинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир.

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари микдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Ушбу Конунда карз олувчиларга нисбатан белгиланган қоидалар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланувчи лизинг олувчиларга нисбатан кўлланилади.

7-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар

Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардир.

8-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари

Микромолиявий хизматлар микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ кўрсатилади.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ушбу Конунга мувофиқ белгиланади.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартларини, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш микдори, муддатлари ва ҳақи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

9-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади.

10-модда. Микромолиявий хизматлардан фойдаланиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотга микромолиявий хизматлардан фойдаланиш учун буюртма (бундан буён матнда буюртма деб юритилади) ҳамда ўз фаолияти ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этади.

11-модда. Буюртма

Буюртмада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

юридик шахс учун — унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

жисмоний шахс учун — унинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи бошқа ҳужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойининг манзили, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор учун — кўшимча равишда солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

микромолиявий хизматларнинг суммаси, тури, мақсади, бундай хизматлар кўрсатиш муддатлари ва объекти;

буюртма берувчининг фаолият тури ва даромадлари.

Буюртма буюртма берилган сана кўрсатилган ҳолда буюртма берувчи томонидан имзоланади.

12-модда. Буюртмани кўриб чиқиши

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртмани олганидан сўнг ўн иш куни ичдиа уни кўриб чиқиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёки микромолиявий хизматлар кўрсатиши асослантирилган ҳолда рад этиш хақида қарор қабул қилиши шарт.

Буюртма микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилаётганда қўйидагиларнинг таҳлили амалга оширилади:

буюртма берувчининг даромадлари етарлилигини аниқлаш;

буюртмада баён этилган маълумотларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги;

микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот олдидаги мажбуриятларни буюртма берувчи томонидан ўз вақтида бажариш имкониятининг мавжудлиги.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртма берувчига бу ҳақда ёзма шаклда маълум килиши шарт.

13-модда. Шартнома

Буюртмани кўриб чиқиши натижаларига кўра микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот ва қарз олувчи ўртасида шартнома тузилади.

Шартнома ёзма шаклда тузилади.



14-модда. Шартноманинг мазмуни

Шартномада қўйидагилар назарда тутилган бўлиши керак:

микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти (ёки паспорт ўрнини босувчи хужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойи манзили (якка тартибдаги тадбиркор учун қўшимча равишда солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари кўрсатилади) ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари;

микромолиявий хизматнинг умумий суммаси, мақсади ва обьекти;

фоизлар ёки лизинг тўловлари миқдори;

микромолиявий хизмат кўрсатиш, микромолиявий хизмат бўйича асосий қарзни қайтариш, шунингдек фоизлар ва лизинг тўловларини тўлаш тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан тарафларнинг жавобгарлиги;

шартноманинг амал қилиш муддати;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

Конун хужжатларига мувофиқ шартномада бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

15-модда. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шартнома шартлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тарафларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

Қарз оловчи фойдаланилмаган микромолиявий хизмат суммасидан воз кечиш ҳақида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотни шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичидаги ёзма равишда хабардор этиш орқали мазкур суммадан воз кечишига ҳақли.

Қарз оловчи кўрсатилган микромолиявий хизматдан шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичидаги фойдаланмаган тақдирда, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот шартномани бекор қилиш ҳақида қарз оловчини ёзма равишида хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли.

Ёзма хабар топширилган ёки почта орқали жўнатилган сана мазкур ёзма хабар юборилган сана ҳисобланади.

16-модда. Қарз оловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Қарз оловчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидалари билан танишиб чиқиши;

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлик ахборот олиш;

шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Қарз оловчи:

микромолиявий хизматдан фойдаланиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиши;

олинган мақсадли микрокредитдан шартномага мувофиқ белгиланган мақсадда фойдаланиши;

мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Қарз оловчи қонун ҳужжатлари ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қўйидаги ҳуқуқларга эга:

шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг қарз оловчи томонидан бажарилишини таъминлаш шарти асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш;

буортма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган холда рад этиши;

микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буортма берувчидан сўраб олиш;

тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёхуд мақсадли микрокредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз оловчи томонидан муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот:

буортма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан мик-

ромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;

шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;

шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарларнинг ўрнини қарз оловчига қоплаши шарт.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қонун хужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Қарз оловчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш

Қарз оловчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши:
банк ёки суурита ташкилотининг кафолати;
учинчи шахсларнинг кафиллиги;
мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, шу жумладан гаров депозити, банкларнинг омонат сертификатлари ҳамда қонун хужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа усуслар билан таъминланади.

Қарз оловчининг даромадлари ҳажми, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишининг қарз оловчи томонидан тақдим этилган таъминоти олинган микромолиявий хизмат суммасини қайташиб мазкур хизмат бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли бўлиши керак.

19-модда. Микрокредитни ва микроқарзни муддатидан илгари қайташиб

Қарз оловчи олинган микрокредит ёки микроқарз суммасини муддатидан илгари қайташиб ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

20-модда. Қарз оловчи мажбуриятларининг кафолат берувчи ва кафил томонидан бажарилишини таъминлаш

Қарз оловчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, кафолат берувчи ёки кафил қарзни қайташиб муддати тугагач, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотнинг биринчи талабига биноан шартномага мувофиқ қарз оловчининг қарзини тўлаши шарт.

21-модда. Хужжатларнинг сақланиши

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ хужжатларни сақлаш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Микромолиялаш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Микромолиялаш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирисин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий
хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 сентябрь,
ЎРҚ-50-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

370 **Фирма номлари тўғрисида***

+

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фирма номларини хукукий жиҳатдан муҳофаза қилиш
ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун
ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фирмалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Фирма номи

Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан бўён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ хукуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин.

Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

Конунда назарда тутилган ҳолларда фирма номида юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

4-модда. Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгилар

Фирма номида:

1) давлатнинг расмий номи, халқаро, хукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машхур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз;

3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиқкан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Фирма номида:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
белгиланган тартибда конун хужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиқкан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотнинг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин.

5-модда. Фирма номини хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш

Фирма номи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахснинг фирма номи эса, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик муомаласи иштирокчиси сифатида фаолиятни амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан хуқукий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

6-модда. Фирма номига бўлган хуқуқ

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш хуқуқини беришда мутлақ хуқуқга эга.

Чет эл юридик шахснинг фирма номига бўлган мутлақ хуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг конун хужжатларида белгиланган хужжат билан тасдиқланади.

7-модда. Фирма номидан фойдаланиш

Кўйидагилар:

фирма номини расмий бланкаларда, мухрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа хужжатларда акс эттириш;

фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобваракларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вактида ишлатиш фирмамидан фойдаланишдир.

Фирма номидан товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

8-модда. Фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Юридик шахс (лицензиар) ўз фирмамидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонун хужжатларига мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин.

Лицензия шартномасида истеъмолчини чалғитишини истисно этадиган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак.

9-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига факат юридик шахс кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш ўюли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкий мажмуя сифатида сотилган ҳоллардагина йўл кўйилади.

Юридик шахслар кўшиб юборилганда ва юридик шахс бошқа юридик шахсга кўшиб олинганда фирмамига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши топшириш хужжатига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс бўлинганда ёки у юридик шахс таркибидан ажралиб чиққанида фирмамига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши таксимлаш балансига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни тугатиш

Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш юридик шахс тугатилган ёки унинг фирмамига ўзгартирилган тақдирда, тугатилади.

11-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши

Фирма номидан ноконуний фойдаланиш фирмамига бўлган мутлак ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилади.

Агар товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номига бўлган мутлак ҳуқуқ фирмамига бўлган ҳуқуқдан илгари олинган бўлса, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), домен номидан ушбу фирманинг фирмамидан фойдаланиш фирмамига бўлган мутлак ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилмайди.

12-модда. Фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари

Фирма номига бўлган мутлак ҳуқуқни ундан ноконуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан хуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни хуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган хуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш орқали амалга оширилади.

Фирма номига бўлган мутлақ хуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун хужжатларига мувофиқ бошқача усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқлари

Чет эл юридик шахслари ушбу Конунда назарда тутилган фирма номларига бўлган хуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан ёки ўзаро келишув принципи асосида Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан тенг равиша фойдаланадилар.

14-модда. Низоларни ҳал этиш

Фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15-модда. Фирма номлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганилик учун жавобгарлик

Фирма номлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганиликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

16-модда. Қонун хужжатларини ушбу Конунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштирасин;
давлат бошқарув органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Конуннинг кучга кириши

Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 сентябрь,
ЎРҚ-51-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

371 «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 20 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда)

1098-моддасининг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахснинг фирма номи унинг таъсис хужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган хукуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади».

+

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сонли Қонуни** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда) **33-моддасининг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъекти фирма номига бўлган хукуқقا эга бўлиб, бу ном унинг таъсис хужжатларида кўрсатилади. Фирма номига бўлган хукуқ тадбиркорлик фаолияти субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юзага келади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 сентябрь,
ЎРҚ-52-сон

* Ушбу Қонун «Халк сўзи» газетасида 2006 йил 19 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

372 Микрокредит ташкилотлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатлари

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

3-модда. Микрокредит ташкилоти

Микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобваракла-рини белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суурита, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4-модда. Микрокредит ташкилотларини ташкил этиш

Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун хужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

5-модда. Микрокредит ташкилотининг таъсис хужжатлари

Микрокредит ташкилоти таъсис хужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Микрокредит ташкилотининг таъсис хужжатларида муайян ташкилий-хуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун хужжатларида белгиланган маълумотларга кўшимча равишда қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;

* Ушбу Қонун «Халк сўзи» газетасида 2006 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги; микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги; микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

6-модда. Микрокредит ташкилотининг устав фонди

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа молмукдан шакллантирилади.

Микрокредит ташкилотининг устав фондини шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

7-модда. Микрокредит ташкилотининг фирма номи ва муҳри

Микрокредит ташкилотининг фирма номида «микрокредит ташкилоти» сўз биримаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Конун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида «микрокредит ташкилоти» сўз биримасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилоти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган муҳрига эга бўлиши керак. Муҳрда айни вақтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга хаклидир.

8-модда. Микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиши

Микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

9-модда. Микрокредит ташкилоти фаолиятини лицензиялаш

Конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда микрокредит ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширади.

Микрокредит ташкилотига лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришини асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган ва лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичida қабул қилинади.

10-модда. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Микрокредит ташкилоти лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг худудий бошқармаларига кўйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш ҳақидаги ариза;
микрокредит ташкилотининг таъсис хужжатлари;

микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;

микрокредит ташкилоти бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

микрокредит ташкилотининг устав фонди шаклланганлигини тасдиқловчи банк хужжати.

11-модда. Лицензия беришни рад этиш

Тақдим этилган хужжатлар қонун хужжатларида белгиланган талабларга ноувофик бўлган ва тақдим этилган хужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиши мумкин.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор буюртма берувчига рад этиш сабаблари ҳамда буюртма берувчи мазкур сабабларни бартараф этиб, хужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

12-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти томонидан ушбу Конун ҳамда бошқа қонун хужжатлари талаблари, шу жумладан лицензия талаблари ва шартлари бузилганда;

микрокредит ташкилотининг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар мазкур ташкилот томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлганда;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равища бузиб кўрсатилганда;

микрокредитлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензия берилган пайтдан эътиборан олти ойдан ортиқ муддатга кечикканда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Лицензиянинг соҳта хужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, у бекор қилинади.

13-модда. Микрокредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар

Микрокредит ташкилоти қўйидаги турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;

карз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун хужжатларига мувофик бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга ҳақли эмас.

14-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

Микрокредит ташкилоти қўйидагилар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади:

ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари;

инвесторлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;

банкларнинг кредитлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари;

халқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг грантлари ва қарз маблағлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга доир ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий тизимнинг барқарорлигини сақлаш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда:

микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдорини ҳамда молиявий ва касса операциялари ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритишнинг мазкур ташкилотлар учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди;

микрокредит ташкилотларининг фаолиятини текширади ва уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

микрокредит ташкилоти томонидан айрим молиявий операциялар ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклайди;

микрокредит ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, турагатди ёки лицензияни бекор қиласди.

16-модда. Микрокредит ташкилотининг филиаллари

Микрокредит ташкилоти қонун хужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли.

Микрокредит ташкилотининг филиали ўз фаолиятини микрокредит ташкилоти учун берилган лицензия асосида амалга оширади.

17-модда. Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш

Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатла-
рига мувофик амалга оширилади.

18-модда. Низоларни ҳал этиш

Микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги
низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**19-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжат-
ларини бузганлик учун жавобгарлик**

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда
айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

20-модда. Қонун хужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирисин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий
хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ



Тошкент ш.,
2006 йил 20 сентябрь,
ЎРК-53-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

373 «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги мусносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда
маъкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қофозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш»;

2) **17-модданинг еттинчи ва саккизинчи хатбошилари** «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

3) **VIII бўлимнинг номи** «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсан;

4) **50-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«50-модда. Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қофозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қиласди.

Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қофозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, банклар, кредит уюшмалари,

* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 21 сентябрда эълон қилинган.

микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Берилган лицензиялар түғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши керак.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалири, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади»;

5) 51-модданинг:

Биринчи қисми учинчи хатбоиси «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «ва микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

Иккинчи қисми:

Иккинчи хатбоиси «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

Тўртинчи хатбоисидаги «ва кредит уюшмаларининг» деган сўзлар «кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Саккизинчи хатбоиси «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

Үнинчи хатбоиси «кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «ва микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 53-модданинг тўртинчи қисми «Кредит уюшмалари» деган сўзлардан кейин «микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

+

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

-

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 сентябрь,
ЎРҚ-54-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

374 Солиқ маслаҳати тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 29 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ маслаҳати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўйса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Солиқ маслаҳати тушунчаси

Солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда мижозга (ишонч билдирувчига) деб юритилади) шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

4-модда. Солиқ маслаҳатининг асосий принциплари

Солиқ маслаҳати қонун устуворлиги, мустақиллик ва маҳфийлик принципларига асосланади.

5-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар

Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар:

мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, ўйимлар ва бошқа мажбурий тўловларни хисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари (бундан буён матнда солиқ солиши масалалари деб юритилади) бўйича маслаҳат беришни;

солиқ солиши масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатишни;

судда, хукукни муҳофаза килувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиши масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади.

6-модда. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шарти

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик-хукуқий жавобгарлиги хусу-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 22 сентябрда эълон қилинган.

сидаги суфурта шартномасига биноан суфурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганигини тасдиқловчи суфурта полисининг мавжудлиги солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишнинг мажбурий шартидир.

7-модда. Солик маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи

Солик маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Ваколатли давлат органи:

солик маслаҳати бўйича фаолиятни тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

солик маслаҳатчиси малака сертификатани (бундан бўён матнда малака сертификати деб юритилади) беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади;

солик маслаҳатчилари реестрини юритади;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8-модда. Солик маслаҳати бўйича кенгаш

Ваколатли давлат органи хузурида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи солик маслаҳати бўйича кенгаш тузилади. Солик маслаҳати бўйича кенгаш таркибида давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, солик маслаҳати соҳасидаги мутахассислар кириши мумкин.

9-модда. Солик маслаҳатчилари ташкилоти

+

Солик маслаҳатчилари ташкилоти солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир.

-

Солик маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-хукуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Солик маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари солик маслаҳатчиси бўлиши керак.

Солик маслаҳатчилари ташкилоти ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган солик маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисбот тузиш;

бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматлари хам кўрсатиши мумкин.

10-модда. Солик маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Солик маслаҳатчилари ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Солик маслаҳатчилари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

11-модда. Солик маслаҳатчилари ташкилотининг хукуқлари

Солик маслаҳатчилари ташкилоти кўйидаги хукуқларга эга:

мижоздан (ишонч билдирувчидан) солик маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни олиш;

солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича мижоздан (ишонч билдирувчида) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотномалар, хужжатлар ва бошқа материалларни конун хужжатларида белгиланган тартибда муассасалар ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш;

солиқ солиши масалалари бўйича давлат органларига конун хужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва бошқа шу кабилар) ҳамда улардан жавоблар олиш;

солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

мижоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган хужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, солиқ маслаҳати беришини рад қилиш.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти конун хужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг мажбуриятлари

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти:

мижознинг (ишонч билдирувчининг) хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг қонун хужжатларида назарда тутилган усуслари ҳамда воситаларидан фойдаланиши;

солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши;

мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун хужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши шарт.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг зиммасида қонун хужжатларига ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13-модда. Солиқ маслаҳати бўйича ҳисбот

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича ҳисбот тақдим этади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисбот солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган солиқ маслаҳати предмета ҳақидаги ахборотни ўз ичига олади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисботдаги ахборот махфийdir ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисбот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

14-модда. Солиқ маслаҳатчиси

Малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисидир. Солиқ маслаҳатчиси, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-хуқукий характердаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ўз малакасини ошириши шарт.

15-модда. Малака сертификати

Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш хуқуки қонун хужжатла-рида белгиланган тартибда жисмоний шахсга бериладиган малака сертификати билан тасдиқланади.

Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ҳақиқийдир.

16-модда. Малака талаблари

Малака сертификатный олишга қуйидаги талабларга жавоб берадиган:
олий маълумотга эга бўлган;
солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича маҳсус ўкув курсини ўтаган;
камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан иқтисодий ёки юридик мутахасислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс талабор бўлиши мумкин.



Солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича маҳсус ўкув курсини белгиланган тартибда аккредитация қилинган давлат ва но-давлат таълим муассасалари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ўкув дастури асосида амалга оширади.



Малака талабларига жавоб берадиган шахс малака имтиҳони топширишга рух-сат бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли давлат органига мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

17-модда. Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш

Малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўла-ди:

солиқ маслаҳатчисининг аризаси;
солиқ маслаҳатчиси томонидан солиқ маслаҳати бериш давомида олинган маъ-лумотлар мижознинг (ишонч билдирувчининг) ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга тақдим этилганлиги;
солиқ маслаҳатини амалга оширишда бир йил ичидаги икки мартадан кўп қонун хужжатларини бузиш содир этилганлиги;
солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнода иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ўтамаганлиги;
малака сертификатини солиқ маслаҳатида иштирок этиш учун фойдаланиш мақсадида бошқа жисмоний шахсга берилганлиги фактининг аниқланганлиги;
муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазони назарда тутувчи суд хукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг қонуний кучга кирганлиги.

Малака сертификатининг амал қилиши уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган қундан эътиборан уч йил ичida ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

18-модда. Малака сертификатини бекор қилиш

Малака сертификатини бекор қилиш учун қўйидагилар асос бўлади:

ваколатли давлат органининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги аниқланганлиги;

малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги.

Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан эътиборан амал қиласди.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича малака сертификати бекор қилинган шахс малака сертификати бекор қилинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган қундан эътиборан уч йил ичida ваколатли давлат органига малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Ваколатли давлат органининг малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

19-модда. Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси

Малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлик топшириқларини солиқ маслаҳати бўйича ҳисбототга имзо қўйиш ҳукуқисиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчisi ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ маслаҳатчilari ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчisi сифатида ишланган вақт малака сертифиқата олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

20-модда. Солиқ маслаҳати бўйича фаолиятнинг кафолатлари

Учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчilari ташкилотларининг фаолиятига аралashiши, улардан профессионал хизматлар кўрсатиш вақтида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиши, шунингдек бундай маълумотларни солиқ маслаҳатчilaridan, солиқ маслаҳатчilarinинг ёрдамчilaridan ва солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида иштирок этаётган бошқа шахслардан талаб қилиши тақиқланади.

Солиқ маслаҳатини амалга ошираётган шахслардан улар солиқ маслаҳати бўйича

вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда тайёрлаган хужжатларнинг олиб кўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Солик маслаҳатчиси ва унинг ёрдамчиси профессионал вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган холатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўрқ қилиниши мумкин эмас.

Солик маслаҳатчилари ва уларнинг ёрдамчилари суд, хукукни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан эксперталар ҳамда мутахассислар сифатида, шунингдек текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида хизмат қилувчи шахслар солик маслаҳатига жалб этилиши мумкин эмас.

Солик маслаҳатчилари ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек хўжалик бошқарув органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар солик маслаҳатчилари ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

21-модда. Солик маслаҳатчиларининг бирлашмаси

Солик маслаҳатчилари ва (ёки) солик маслаҳатчиларининг ташкилотлари умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун хужжатларида белгиланган тартибда солик маслаҳатчилари бирлашмасини ташкил этиш хукуқига эга.

22-модда. Низоларни ҳал этиш

Солик маслаҳати соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

23-модда. Солик маслаҳати бўйича жавобгарлик

Солик маслаҳатчилари ташкилоти солик маслаҳати бўйича хизматлар кўрсашиб тўғрисидаги шартномани бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида мижозга (ишонч билдирувчига) зарар етказганлиги учун жавобгар бўлади. Мижозга (ишонч билдирувчига) етказилган заарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Солик маслаҳатчиси ишни сифатсиз бажарганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги натижасида етказилган зиён ва солик маслаҳатчилари ташкилоти зарар кўришига олиб келган бошқа хатти-харакатлар учун қонун хужжатларига мувофиқ солик маслаҳатчилари ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

24-модда. Солик маслаҳати тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Солик маслаҳати тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25-модда. Қонун хужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;
давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишиларини таъминласин.

374-модда

— 30 —

37-38 (225-226)-сон

26-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 21 сентябрь,
ЎРҚ-55-сон

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

375 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармон ва қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғри- сида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сонли қарорига мувофик:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига иловага мувофик ўзгартишлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 сентябрь,
ПФ-3800-сон

+

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги
ПФ-3800-сон Фармонига
ИЛОВА

-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи Фармон ва қарорларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рафбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонига 4-илованинг эслатмасидаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамиятига» сўзлари «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» Очиқ акциядорлик жамиятига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги ПФ-2212-сон Фармони 2-бандидаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖга» сўзлари «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖга» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноконуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартағи ПФ-2559-сон Фармони:

3-бандида ва 5-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва унинг минтақавий бўлинмалари» сўзлари «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

4-бандида ва 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ сўзлари «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндилирини қайта ишлаш заводи» ОАЖ сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия, машинасозлик ва кимё масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилемаси тўғрисида» 2006 йил 30 майдаги ПҚ-358-сон қарори иловасидаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ сўзлари «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндилирини қайта ишлаш заводи» ОАЖ сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

376 2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Даствури тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-сонли қарори билан тасдиқланган 2000—2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари дастури доирасида жамиятнинг ушбу муаммога эътиборини оширишга қаратилган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди, ёлғиз кекса фуқароларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни олиб боришда давлат муассасалари билан жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик мустаҳкамланди ва кенгайди. 8 минг нафарга яқин ёлғиз пенсионер ва ногиронлар яшаб турган 33 та «Саховат» ва «Мурувват» уйларининг моддий-техника базаси яхшиланди.

«Хомийлар ва шифокорлар йили» Даствурини бажариш юзасидан ахолининг ижтимоий ночор, шу жумладан ёлғиз кекса кишиларга ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилмокда. Хусусан, 1,9 минг нафар ёлғиз фуқароларнинг уй ва хонадонлари таъмирдан чиқарилди, кам таъминланган оиласалар ва кексаларга 5 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларга, шунингдек кўп болали оиласаларга берилган ижтимоий ёрдам ҳажми 47 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги ижтимоий технологияларни жорий этиш асосида уларнинг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ қондириш мақсадида:

1. 2007—2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансан. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

* Илова берилмайди.

ёлғиз ногиронлар ва кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, геронтология ва гериатрия соҳасида кўрсатилаётган ёрдам сифатини, шунингдек уй-жой — маиший шароитларини яхшилаш;

«Саҳоват» ва «Муруват» уйлари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини татбик этиш.

2. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда тасдиқланган Дастанурни амалга оширишда масъул ижрочилар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона ва ташкилотларнинг баҳам-жиҳат фаолиятини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Дастанурниг ижро этилишини ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини мунтазам равишда кўриб чиқсан холда уни яхшилаш бўйича тегишли қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсин. Ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача Дастанурни амалга ошириш якунлари ва бориши тўғрисида Вазирлар Махкамасига таҳлилий ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили инвестиция дастури ва бюджетни шакллантиришда, ёлғиз фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга, ижтимоий таъминот тизимидағи обьектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга, кексалар ва ногиронларнинг уй-интернатларини жихозлашга, шунингдек Дастанурга киритилган бошқа тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган зарур капитал қўйилмалар лимити ва маблағларни назарда тутисин. Бунда мазкур мақсадларга ҳомийлар маблағларини кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси республика ва худудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастанурда назарда тутилган барча тадбирларнинг тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қиласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Косимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 сентябрь,
ПҚ-459-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

377 Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш, Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишини молиявий назорат қилишнинг фоят муҳим воситаси сифатида унинг фаолияти таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишида давлат ва хўжалик тузилмаларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида:

1. Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслар томонидан қилинган коидабузарликларини хукуқий баҳолаш ва давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарари суммасини коплаш бўйича текширув материалларини прокуратура органларига топшириш тартиби ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидаги тартиб белгилансин ва унга мувофиқ:

мамлакат солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий ўналишлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети лойиҳаси Ҳисоб палатасининг тегишли хulosаси билан Вазирлар Махкамасига ва Олий Мажлисга киритилади;

— +
Давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳар йилги ҳисобот Ҳисоб палатаси томонидан ташқи аудит ва баҳолаш ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

3. Белгилансинки:

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёsat масалалари ҳамда ташкилий-назорат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчилари билан келишилган холда ярим йиллик ва йиллик назорат ишлари Дастурини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;

Ҳисоб палатаси ҳузуридаги Ҳайъат назорат тадбирлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, шунингдек Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ҳисоб палатасига Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад ва харажат моддалари мақсадли ижро этилишини бирламчи маълумотларга кўра назорат қилиш имконини берувчи ахборот тизимлари ва ресурсларига киришга шароит яратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳисоб палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ҳисоб палатасида иқтисодиёт идораларининг ахборот тизимларига кириш имконини берадиган маълумотларни узатиш электрон тармоғини ишлаб чиқиши ва жорий этишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мансабдор шахсларнинг Ҳисоб палатаси кўрсатмаларини бажармаганлиги учун жавобгарлик чора-ларини кучайтиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ҳисоб палатаси аниқлаган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммасини Давлат бюджети даромади ҳисобига йўллаш механизмини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўн кун муддатда ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни инобатга олган ҳолда Ҳисоб палатасини кадрлар билан мустахкамлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив хужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари В.А. Голишев ва Р.С. Шамшиев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 7 сентябрь,
ПҚ-460-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

378 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-31-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6-апрелдаги ЎРҚ-31-сон Қонунига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотганлиги эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 сентябрь,
194-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 сентябрдаги 194-сон қарорига
ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш, хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига келтириш ва уларни унинг ташқарисига чиқариш тартибини тасдиқлаш хақида» 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 8-сон, 38-модда):

а) қарорнинг номидан ва 1-банддан «сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини», «сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхати» ва «сертификатлаштиришни ўтказиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

б) 2-иловада:

илованинг номланишидаги «сертификатлаштиришни ўтказиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

муқаддиманинг иккинчи хатбоидаги «Тартиб» сўзидан кейин «мажбурий тартиба сертификатланиши лозим бўлган ва» сўзлари қўшилсин, «сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ» сўзлари эса чиқариб ташлансин;

«Сертификатлаштиришни ўтказиш» деб номланган сарлавҳанинг номи «Хавфсизликни тасдиқлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банндаги «ёки сертификатларни тан олиш ёхуд республикадан ташқарида товар ишлаб чиқарувчига товар учун берилган бошқа мувофиқлик гувоҳномалари орқали» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банндаги «Сертификатлаштириш ва Ўзбекистон Республикасида хорижий сертификатларни тан олиш қоидалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш қоидалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банндаги «илова қилинган шаклдаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банндаги биринчидан тўртингичагача бўлган хатбошилар қўйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсин;

«7. Сертификат берилган товар, шунингдек унинг жойлаштирилиши ва илова қилинадиган хужжатлар Мувофиқлик белгиси билан тамаланиши мумкин.

Мувофиқлик белгисини қўйиш ва унинг мавжудлиги Мувофиқлик сертификата иштирокчидаги кўрсатилган бўлиши керак»;

13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарнинг хавфсизлигини тасдиқлаш мақсадида сертификатлаш органи божхона ҳудудида сақланаётган маҳсулотлар намуналарини танлаб олади. Намуналарни танлашда божхона вакиллари иштирок этадилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 мартағи 95-сон қарорида:

а) 9-бандинг биринчи хатбоидаги «Ўзбекистон Республикасининг бож ҳудудида товарларни қабул қилишда товарлар «Ўздавстандарт» марказида аккредитация қилинган ихтисослаштирилган фирмалар томонидан мувофиқлик сертификациясидан» сўзлари «маҳсулотлар белгиланган тартиба аккредитация қилинган органлар томонидан мувофиқлик сертификациясидан (мажбурий тартиба сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотлар учун)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

15-банда «Божхона хизматлари» сўзларидан кейин «(мажбурий тартиба сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларга нисбатан)» сўзлари қўшилсин;

Импорт контрактни хисобга олиш ва унинг ҳаракатини назорат қилиш схемаси 6-бандининг «Товар сертификацияси» блокига «(мажбурий сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларга нисбатан)» сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартағи 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни ўзатиш тармоқларида, шу жумладан Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15.1-банди (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда) қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15.1. Сертификатланиши шарт бўлган ахборот маҳсулотлари ва хизматларини Ўзбекистон Республикаси олиб киришда импортёр мазкур маҳсулотлар ва хизматлар белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатни тақдим этади.».

4. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдағи 438-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодлаш тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 9-сон, 56-модда):

а) бешинчи хатбошида, 1, 7-бандларда, II бўлимнинг номланишида «EAN» ва «EAN International» сўзлари «GS1» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-банддаги «Товарлари EAN штрихли кодлари билан тамгаланиши керак бўлган» ва «EAN Uzbekistan» товарлар ва хизматларни автоматик идентификатлаштириш марказида рўйхатдан ўтадилар» сўзлари «ўз товарлари GS1 штрих кодлари билан тамгаланиши истагини билдирган» ва «GS1 Uzbekistan» уюшмасида рўйхатдан ўтадилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банддаги «штрихли кодлаштирилиши керак бўлган» сўзлари «ўз товарлари GS1 штрихли кодлари билан тамгаланиши истагини билдирган» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 5-банддаги:

«EAN Uzbekistan» марказида» сўзлари «GS1 Uzbekistan» уюшмасида» сўзлари билан;

«EAN» сўзи «GS1» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсулот (товар)ларни GS1 штрих кодлари билан тамгалаш тадбиркорлик фаолияти субъекти томонидан GS1 таснифлаш ва кодлаш соҳасида рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, ишлаб чиқарилаётган товарнинг рақамли коди ва штрихли коднинг оригинал-макети олингандан кейин ихтиёрий равишда амалга оширилади»;

е) 9-банддаги «уларни EAN штрихли коди билан тамгалашни таъминлайдилар» сўзлари «уларни шунингдек GS1 штрихли коди билан тамгалашлари мумкин» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт-экспедиторлик фаолиятини тартибга солишини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 9 сентябрдағи 348-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш тартибида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 59-модда):

а) 13-банддаги «Транспорт воситалари, терминаллар ва транспорт-экспедиторлик фаолиятининг бошқа обьектлари, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 14-банддаги «ваколатли давлат органи ёки у вакил қилган орган томонидан» сўзлари «қонун хужжатларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда):

а) 14-бандда:

ўнинчи хатбошида «мувофиқлик сертификати» сўзлари «мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошига «(мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотларни сотиша)» сўзлари қўшилсин;

б) 37-банднинг олтинчи хатбошига «(мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган маҳсулотлар учун)» сўзлари қўшилсин;

в) 119-банднинг биринчи қисмидаги «белгиланган намунадаги ҳужжат берилган ҳолда сертификациядан ўтган» сўзлари «мувофиқлик сертификатига эга бўлган (мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлса)» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) 8-банди «э» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«з) лабораториялар аттестациядан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома ва мажбурий тартибда сертификатланиши шарт бўлган асбоб-ускуналарга мувофиқлик сертификати».

8. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда) 7-банди еттинчи хатбошида «мувофиқлик сертификати» сўзлари «стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Махкамасининг «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини содалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Махсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33, 34-бандларида ва Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботи схемасида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) «EAN» сўзи GS1 сўзи билан алмаштирилсин.

+

-

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотганлиги эътироф этиладиган қарорлари

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва СССР Махсулот сифатини бошқариш ва стандартлар давлат комитетининг «Ўзбекистон ССРда маҳсулотни сертификациялашни жорий этиш ишларини ташкил этиш ҳақида» 1990 йил 2 февралдаги 66-сон қарори.

2. Вазирлар Махкамасининг «Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини, сертификатлаштиришни ўтказиш, хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига келтириш ва уларни унинг ташқарисига чиқариш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарорининг 5, 11 ва 12-бандлари ва қарорга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 8-сон, 38-модда).

3. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга штрихли кодлашни жорий этиш тўғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларни штрихли кодлаш тўғрисидаги низомнинг III ва IV бўлимлари (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 9-сон, 56-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

379 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш түғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиши, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш түғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиши, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш түғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритилсін.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 сентябрь,
197-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 15 сентябрдаги 197-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, әхтиётлаш ва топшириш тартиби түғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 49-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 8-модда):

а) 3—6-бандларда «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари «Тошкент рангли металлар парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсін;

б) 1-иловада:

1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги» ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари тегишли равища «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» ва «Тошкент рангли металлар парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсін;

2, 6 ва 20-бандларда «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари «Тошкент рангли металлар парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсін.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари омборларидағи тайёр маҳсулотнинг норматив қолдиги түғрисида» 2000 йил 28 апреддаги 167-сон қарорига

1-иловада «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти» сўзлари «Тошкент рангли металлар парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг учинчи ва тўртинчи хатбошида «Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти» сўзлари «Тошкент рангли металлар парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

380 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари хамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссиялари ва кенгашлари таркиблари хамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 15 сентябрь,
198-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 15 сентябрдаги 198-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёжлари учун танлов асосида озиқ-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

овқат товарлари етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 26 сентябрдаги 454-сон қарорида:

- а) 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) 1-иловада:

илова номидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

I бўлимда:

1-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги хузуридаги «Ўзбектендерконсалтинг» тендерлар ўтказувчи агентлик, кейинги ўринларда «Агентлик» деб аталади, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қарашли ташкилот хисобланади»;

2-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агентлик товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилиш, сотиш юзасидан тендер савдолари, танловлар ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилот хисобланади»;

II бўлимда:

1-банднинг учинчи хатбошига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириклари бўйича» сўзлари қўшилсин;

1-банднинг тўртинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва товар (ишлар ва хизматлар) етказиб берувчиларни танлов олдидан саралаш»;

III бўлимнинг 3-банди қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Агентлик ўз фаолиятини тендерларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг холислиги принципларига мувофиқ амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг буйруқларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди»;

IV бўлимда:

иккинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш юзасидан савдолар учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқади»;

учинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товарлар (ишлар ва хизматлар)ни потенциал етказиб берувчиларни танлов олдидан саралайди»;

V бўлим 1-бандининг еттинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

VI бўлимда:

1-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига хисоб беради»;

2-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош директор раҳбарлик қилади»;

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

VII бўлим 2-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

IX бўлим матни кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қарорига кўра тўхтатилади»;

в) 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини харид қилиш тўғрисида» 2000 йил 8 апрелдаги 136-сон қарорига 1-иловада:

а) 2.2-баннда:

учинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Республика товар-хом ашё биржаси» сўзлари «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3.2-банддаги «ва 3» сўзлари чиқариб ташлансан;

в) 6.2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«6.2. Олдиндан малакали саралашни ташкил этиш ва давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра тендер комиссияси ташкил этилади, комиссия ўз иш тартибини ва тендер ўтказиш тартибини мустакил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди»;

г) 6.3, 6.4, 6.5, 6.6, 6.7 ва 6.8-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

д) Ижтимоий соҳа муассасаларини, маҳсус истеъмолчиларни ва давлат захирасини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибига 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

381 Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланишини механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланишини назорат қилишининг бозор механизмини такомиллаштириш, бозорда сифатсиз ёғ-мой маҳсулотлари пайдо бўлишининг олини олиш, ахолини белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган озиқ-овқат ёфи истеъмол қилишдан химоя қилиш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон «Сифат» маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги «Ўздавуруғназоратмарказ» давлат маркази томонидан пахта чигитини хисобга олиш, унинг харакати ва сифати тизими ишлаб чиқилганлиги ҳамда унда қўйидагилар назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

техник чигитни ёғ-мой корхоналарининг масъул вакиллари томонидан бевосита пахта тозалаш заводларида сифати ва микдори бўйича қабул қилиш;

ёғ-мой заводлари ва пахта тозалаш заводлари ўртасида пахта чигити етказиб бериш ва уни қабул қилиб олиш юзасидан ҳар ойда уч томонлама солиштириш даголатномалари тузиш асосида мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш;

пахта тозалаш заводларидан юклаб жўнатилаётган техник ва уруғлик чигитнинг барча туркумларини уларнинг микдор ва сифат жиҳатидан хисобга олинишига кўмаклашувчи сертификатланишини таъминлаш;

барча пахта тозалаш корхоналарининг технологик жараёнида қайта ишланган пахта чигити ҳажмини хисобга олишнинг электрон воситалари фаолият кўрсатиши;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва ундан фойдаланишни хисобга олиш бўйича давлат статистика хисоботини юритиш.

2. Қўйидаги тартиб белгилансин, унга кўра 2006 йил пахта хом ашёси ҳосилидан бошлаб:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар, прессли ёғ-мой заводларига пахтанинг техник чигитини бериш тўхтатилади;

техник чигит Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ёғ-мой заводлари ва пахта тозалаш заводларининг жойлашиши асосида, фақат ёғнинг нормативга мувофиқ чиқишини таъминлаётган ёғ-экстракция корхоналарига ажратилади;

пахта тозалаш заводларидан ёғ-мой заводларига техник чигит қатъи шартнома асосида 100 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан етказиб берилади;

техник чигитни вилоятлараро тақсимлаш фақат Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади;

уй шароитларида ва экстракция бўйлимларига эга бўлмаган кичик цехларда пахта чигитини қайта ишлаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш амалдаги қонун хужжатларини бузиш ҳисобланади ҳамда пахта чигитини қайта ишлаш билан ноконуний шуғулланаётган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда қаттиқ жазо чоралари, ҳатто жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва туманлар

ҳокимликларига пахтанинг техник чигитини тақсимлаш билан шуғулланиш қатъијян тақиқланади.

3. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда 2007 йил 1 сентябргача бўлган муддатда «Чимбой-мой» акциядорлик жамиятини, «Турон-Хўжайли» акциядорлик жамиятини ва «Ёғгар» акциядорлик жамиятини экстракция бўйимлари ўрнатиш йўли билан модернизация килсин. Бунда ушбу корхоналар модернизация даврида, истисно тарикасида, пахтанинг техник чигити билан таъминланади.

4. Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, харакати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувоғик тасдиқлансин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси Ўзбекистон «Сифат» марказининг Пахта чигитидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда ўзларига қарашли корхоналарда қўрсатиб ўтилган Низом нормаларига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, пахта хом ашёсими қайта ишлашнинг технологик жараёнида ишлаб чиқарилаётган пахта чигитини миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш учун мажбурий тартибда электрон тарозилар ўрнатилган бўлиши шарт.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси тармоқнинг пахта тозалаш корхоналарида 2006 йил 1 ноябргача бўлган муддатда пахта чигитини миқдор жиҳатдан ҳисобга олиш бўйича электрон тарозилар ўрнатишга доир тадбирларни, молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритсан.

«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон «Сифат» маркази ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раҳбарларига пахта тозалаш корхоналарида пахта чигитини тортиш ва сертификатлаш жараёни мунтазам равишда назорат қилинишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пахтанинг техник чигитига ултуржи нархлар прейスクрунтини шакллантиришда қатъий равишда харажатларни қоплаш ва пахта тозалаш заводларининг рентабелли ишлашини таъминлаш заруритидан келиб чиқсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2006 йил 1 октябрдан бошлаб пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳар ойлик давлат статистика ҳисоботи шаклини белгиланган тартибда жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан биргаликда Жиноят кодексига пахта чигитини қайта ишлаш билан ноқонуний шуғулланаётган жисмоний шахсларга, шунингдек ишониб топширилган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг технология ва санитария нормаларига риоя этмаётган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир ой муддатда тайёрласин ва белгиланган тартибда Вазирлар Махкамасига киритсан.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 сентябрь,
199-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Вазирлар Махкамасининг
2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорига
ИЛОВА

**Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб
чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки
ҳисобга олишни ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналарида пахта чигитини ишлаб чиқариш, ҳаракати, сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки ҳисобга олишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Пахта чигити ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш

2. Пахта хом ашёсини пахта тозалаш корхоналарининг линтер цехларида қайта ишлаш жараённада пахтанинг техник ва уруғлик чигити тозаланади.

3. Ишлаб чиқариш жараённини тўхтатмасдан қайта ишлаш жараённада олинадиган чигитларнинг жами ҳажми маҳсус электрон тарозиларда тортилади.

Ишлаб чиқаришдан олинган чигитни ҳисобга олиш учун ҳар қайси смена бўйича ўлчашлар натижалари смена бошлиғи (мастер) томонидан «Ишлаб чиқаришдан олинган чигитларни тарозида ўлчаш учун ўлчовнома» 38-ХЛ шакли бир нусхада тўлдирилади.

— Maxsus тарозилар бузилган тақдирда чигитлар автомобиль тарозиларида тортилади. +

4. Тортилган чигитлар ўлчовномаси асосида ҳар қайси смена бўйича смена бошлиғи ва бухгалтер томонидан «Ишлаб чиқаришдан олинган тортилган чигитларни ҳисобга олиш дафтари» 44-ХЛ шакли тўлдирилади.

5. Ишлаб чиқаришдан олинган чигитларни қабул килиб олишда классификатор (товаршунос) томонидан «Ишлаб чиқаришдан олинган чигитларни қабул килиб олиш тўғрисида рапорт» 45-ХЛ шакли уч нусхада тўлдирилади:

биринчи нусха — хом ашё ва тайёр маҳсулот бўлими товаршуносига берилади;
иккинчи нусха — пахта тозалаш корхонаси бухгалтериясига топширилади;
учинчи нусха — «Сифат» марказининг уруғлик лабораториясига берилади.

6. Пахта хом ашёсининг бутун туркумини қайта ишлаш тугаллангандан кейин товаршунос томонидан 45-ХЛ шакли бўйича йифма рапорт тузилади.

Йифма рапорт ишлаб чиқариш топширигини тўлдириш учун тортилган чигитлар ўлчовномалари билан бирга корхонанинг режа бўлимига, сўнгра ишлаб чиқариш топшириги билан бирга корхона бухгалтериясига берилади.

7. Омборда чигитларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш хом ашё ва тайёр маҳсулот товаршуноси томонидан «Омборда техник чигитларни ҳисобга олиш дафтари» 46-ХЛ ҳамда «Омборда уруғлик чигитларни ҳисобга олиш дафтари» 47-ХЛ шакллари бўйича амалга оширилади. Ушбу дафтарлар пахта тозалаш корхонаси бухгалтериясида ҳам юритилади.

8. Календарь ой тугагач чигитларнинг қолдик миқдори аниқланади ва омборда ҳисобга олиш дафтарлари билан тақкосланади, бухгалтер ва товаршунос томонидан имзоланади.

9. Чигит ишлаб чиқариш мониторинги «Сифат» марказининг пахта тозалаш корхонаси хузуридаги уруғлик лабораторияси мудири томонидан амалга оширилади.

10. Пахта тозалаш корхонасида пахта хом ашёсини қайта ишлаш мавсуми охирида чигит омборлари хатловдан ўтказилади ва тозаланади, уларнинг натижалари тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

II. Пахтанинг техник чигитини синаш

11. Пахта тозалаш корхонасида пахта чигити туркумидан намуна олиш ёғ-мой корхоналари томонидан, маҳсулот қабул қилиб олинган кунда, ишончнома асосида биркитилган пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари иштирокида амалга оширилади.

12. Синаш учун олинган техник чигитни «Сифат» маркази вакили қопкофи зич ёпилган банкага ёхуд қалин полиэтилен пакетга жойлайди ва унга намунани идентификация қилувчи маҳсус этикетка қўяди. Намуна олувчи имзолаган этикеткада пахта заводининг, пахта чигити туркумининг тартиб рақами, намуна олинган сана, намуна олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

Намуна «Сифат» марказининг уруғлик лабораториясига берилади, бу ерда ундан 2 кг микдорида ўртача намуна ажратилади. Ўртача намуна тахминан тенг бўлган икки қисмга — синаш учун ва назорат намунасига ажратилади. Олинган намуна синовдан ўтказилади.

Намунанинг назорат қисми идишга жойланади, унга барча намуна олувчилар вакилларининг фамилиялари ва имзолари билан ёзилган ёрлиқча жойланади, сўнгра у идишнинг очилгани билинмайдиган расмий тартиб ракамли пломба ёки ёрлик билан бекитилади.

+ Намунанинг назорат қисми «Сифат» марказининг уруғлик лабораториясида 15 кун мобайнода сақланади.

13. Пахта тозалаш ёки ёғ-мой корхоналари томонидан эътиrozлар пайдо бўлганда келишмовчиликлар намунанинг назорат қисми бўйича ҳал этилади. Текширилаётган аниқ туркумнинг тегишилигини тасдиқлайдиган назорат намунасининг сақланниши ва идентификация қилиниши учун «Сифат» маркази жавоб беради.

14. «Сифат» марказининг вакили Намуна танлаш далолатномасини расмийлаштиради, уни «Сифат» маркази, пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари имзолайдилар. Далолатноманинг бир нусхаси «Сифат» марказида қолади, икки нусхаси пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакилларига берилади.

15. Техник чигитнинг хар қайси туркумини синаш «Сифат» маркази мутахассислари томонидан, пахта тозалаш корхоналари худудларида жойлашган ва «Сифат» марказининг аккредитация қилинган минтақавий лабораториялари филиаллари хисобланадиган уруғлик лабораторияларида O'z DSt 596 «Техник пахта чигити. Техник шартлар» талабларига мувофик ўтказилади.

«Сифат» марказининг уруғлик лабораторияларида пахтанинг техник чигити синовларини ўтказиша пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари иштирок этадилар.

16. Синовлар техник чигитнинг қўйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади:

нуксонли пахта чигитининг массавий улушки бўйича навлар — O'z DSt 597:1993 «Техник пахта чигити. Нуксонли пахта чигитини аниқлаш методи»;

минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улушки — O'z DSt 599:1993 «Техник пахта чигити. Минерал ва органик аралашмаларни аниқлаш методи»;

намликтиннинг массавий улушки — O'z DSt 600:1993 «Техник пахта чигити. Намликтиннинг массавий улушкини аниқлаш методи»;

тукдорлигининг массавий улуши — O'z DSt 601:1993 «Техник пахта чигити. Тукдорликни аниқлаш методи».

17. Ташиб келтирилаётган хар қайси туркум учун техник пахта чигити сифатини синаш натижалари Синаш протоколи билан расмийлаштирилади.

Синаш протоколини «Сифат» марказининг синашни бевосита ўтказган вакили имзолайди, сўнгра у «Сифат» марказининг аккредитация қилинган минтақавий лабораторияси масъул вакили томонидан тасдиқланади ва муҳр (Хизмат кўрсатиш белгиси) қўйилади.

Пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари Синаш протоколида «Сифат» марказининг техник пахта чигити сифати баҳосига розилигини тасдиқлайдилар.

18. Техник пахта чигити сифатининг баҳосига норози бўлинганда пахта тозалаш ёки ёғ-мой корхоналари вакиллари апелляция, яъни сертификатлаш билан боғлиқ масалалар бўйича бирон-бир қарор юзасидан шикоят билан «Сифат» марказига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиботи «Сифат» маркази томонидан РД Уз 51-026-94 «НСС Уз. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби»га мувофиқ амалга оширилади.

19. Пахта тозалаш ёки ёғ-мой корхоналари вакиллари ўзларининг иштирокида «Сифат» марказининг уруғлик ёки Марказий лабораториясида такрорий ва параллел синашлар ўтказилишини талаб қилишлари мумкин.

Агар такрорий синашлар натижаси дастлабки синашлардан йўл қўйиладиган доирада фарқ қиласа, у холда сифатнинг дастлабки баҳоси тўғри хисобланади ва қатнашувчи томонлар учун узил-кесил хисобланади. Акс холда такрорий синашлар натижаси узил-кесил баҳо хисобланади.

— 20. Сифат кўрсаткичлари O'z DSt 596 талабларига мувофиқ бўлган техник пахта чигити синовлари протоколида «Сифат» маркази вакиллари томонидан Мувофиқлик сертификатининг тартиб ва реестр рақами, шунингдек муайян туркумнинг сертификатлашдан ўтганини тасдиқлайдиган O'z DSt 1.19:2000 «Мувофиқликни тасдиқлаш белгилари. Шакли, ёзилиши, асосий катталиклари»га мувофиқ Мувофиқлик белгиси кўрсатилади.

+

21. Сифат кўрсаткичлари O'z DSt 596 талабларига мувофиқ бўлган техник пахта чигити Синаш протоколида «Сифат» маркази вакиллари томонидан Мувофиқлик белгиси қўйилмайди ва инспекция далолатномаси расмийлаштирилади.

22. Синаш протоколининг бир нусхаси туркумни қабул қилиб оловчи ёғ-мой корхоналарининг вакилларига берилади ва у ёғ-мой корхонасида текширилган туркумни ташишда техник пахта чигити сифати тўғрисидаги илова ҳужжат хисобланади.

Синаш протоколининг иккинчи нусхаси пахта тозалаш корхоналари вакилларига, учинчи нусхаси эса «Сифат» маркази минтақавий лабораториясига берилади.

23. Ёғ-мой корхоналарига пахта чигити туркуми қисмлар (бир неча автотранспорт воситалари) бўйича юклаб жўнатилган тақдирда хар қайси туркум учун Синаш протоколининг дубликати берилади.

Юклаб жўнатиладиган туркум қисмига бериладиган Синаш протоколининг хар қайси дубликатида сифат натижалари тақрорланади, пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакилларининг ахбороти бўйича аниқ транспорт воситасининг реквизитлари, шунингдек ташиб кетилаётган техник пахта чигитининг физик ва кондицион массаси бўйича маълумотлар кўрсатилади. Бунда пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари вакиллари пахта заводида ўз танлови бўйича алоҳида транспорт бирлигидан олинган намунани биргаликда текшириб кўришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

24. O'z DSt 596 талабларига жавоб бермайдиган техник пахта чигити аниқлан-

ган тақдирда Синаш протоколига аниқланган номувофиқлар түғрисида ёзиб қўйилади.

Тегишли белгилар ва Синаш протоколида Мувофиқлик белгисининг мавжуд эмаслиги аниқланган ҳажм учун Мувофиқлик сертификати татбиқ этилмаслигидан далолат беради. «Сифат» маркази вакилининг пахта чигитининг ностандарт ҳажмлари бўйича бундан кейинги ҳаракатлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2005 йил 8 августда тасдиқланган Техник пахта чигитини сертификатлаш тартибининг 5.3-банди билан белгиланади.

III. Пахта чигитини ёғ-мой корхоналарига юклаб жўнатиш ва ташиш

25. Ҳар йили «Ўсимлик ёфини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш параметрлари баланси» кўриб чиқилгунгача ва тасдиқлангунгача «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига қайта ишланаётган пахта хом ашёси прогноз ҳажмларини ҳамда ишлаб чиқарилаётган техник пахта чигити ҳажмларини пахта заводлари бўйича тақдим этади.

Тақдим этилган маълумотлар асосида Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш кувватлари ва технологик параметрлари ни хисобга олган ҳолда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» маркази билан келишув бўйича ёғ-мой ва пахта тозалаш корхоналарини жойлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирилигига тақдим этади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси томонидан тасдиқланган жойлаштириш тартиби тегишли шартномалар тузиш учун идоравий бўйсунувчи корхоналарга етказилади.

26. Ёғ-мой корхоналари ҳар қайси ой бошлангунгача пахта тозалаш корхонасига ташишда қатнашадиган автотранспорт воситалари рўйхатини давлат рақами ва ҳайдовчилар фамилиясини кўрсатган ҳолда тақдим этадилар.

27. Техник пахта чигитини ёғ-мой корхоналарига юклаб жўнатиш фақат мазкур рўйхатда кўрсатилган автомашиналарда, шунингдек темир йўл транспортида амалга оширилади.

28. Пахта чигитини омборларда ёки бевосита ишлаб чиқаришда автомашиналарга юклаш жараённида ва ёғ-мой корхоналарига юклаб жўнатиш вақтидаги тортишда пахта тозалаш, ёғ-мой корхоналари, «Сифат» маркази вакиллари иштирок этадилар. Пахта чигити ёғ-мой корхоналарининг ҳайдовчи-экспедитори томонидан қабул қилинади, у ташилаётган юкнинг сақланиши учун жавоб беради.

Юклangan транспорт воситасига пахта тозалаш заводи томонидан товар-транспорт юк хати расмийлаштирилади. Юк хатига Синаш протоколи дубликати илова қилинади, унда «Сифат» маркази лаборанти пахта чигити сифати натижаларини такрорлайди, юк хати тартиб рақами билан аниқ транспорт воситаси реквизитларини, шунингдек пахта заводи ва ёғ-мой корхонаси вакиллари ўртасида келишилган ташилаётган техник пахта чигитининг физик ва кондицион массаси бўйича маълумотларни кўрсатади.

29. Автомашиналар ёки тиркамали тракторлар билан ташилаётган пахта чигити учун 1-ТХЛ ёки 1-ТАХЛ шакли бўйича товар-транспорт юк хатлари, темир йўл орқали ташилганлари учун эса темир йўл юк хати расмийлаштирилади.

30. Юклangan пахта чигити хисоби 42-ХЛ ва 43-ХЛ шаклли дафтарларда рўйхатдан ўтказилади.

31. Пахта тозалаш корхоналарида темир йўл тарозилари мавжуд бўймаганда

пахта чигити ортилган вагонни темир йўл станцияси тарозиларида тортиш жараёнида темир йўл, пахта тозалаш, ёф-мой корхоналари, «Сифат» маркази вакиллари иштирок этадилар, улар темир йўл юк хатини имзолайдилар.

32. Пахта тозалаш корхоналаридан ёф-мой корхоналарига юклаб жўнатилган пахта чигитини физик ва кондицион массаси бўйича таққослаш далолатномалари тузиш хар ойда амалга оширилади.

Таққослаш далолатномалари 1-шакл бўйича расмийлаштирилди ҳамда пахта тозалаш ва ёф-мой корхоналарининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ҳамда «Сифат» маркази инспектори томонидан имзоланади ва 9-СБ «Тайёр маҳсулот кирими, сарфи ва қолдиклари» шакли бўйича ҳисоботга илова қилинади. 9-СБ шакли пахта тозалаш корхоналари ва «Пахтасаноат» худудий акциядорлик жамиятининг бухгалтерияси ва режа бўлимлари томонидан тўлдирилади, юкори ташкилотга ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 2-кунидан кечикмай тақдим этилади.

33. 9-СБ «Пахта хом ашёси ва пахта маҳсулотлари кирими, сарфи ва қолдиги» шаклининг ҳисобот маълумотлари 1П «Маҳсулотни таъминлаш ҳисоботи» шаклидаги ҳисобот маълумотлари билан бир хил бўлиши керак. Ушбу ҳисоботларда техник пахта чигитининг кондицион массаси кўрсатилади. Пахта чигити сифатини назорат қилиш инспекцияси ўзига биркитилган функциялар доирасида жавоб беради.

34. Пахта чигити ва уни қайта ишлashedan олинган маҳсулотларга доир норматив хужжатлар талабларига, шунингдек қабул қилиш, юклаб жўнатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операциялари вактида уларнинг сифатини синаш методларига риоя қилинишини доимий назорат қилиб бориш мақсадида ҳар қайси инспекторга аниқ пахта тозалаш ва ёф-мой корхоналари биркитилган.

35. Пахта тозалаш ва ёф-мой корхоналари вакиллари «Сифат» маркази лабораторияларининг мудири иштирокида пахта тозалаш корхонасида ҳар куни пахта тозалаш корхоналаридан юклаб жўнатилган пахта чигити тўғрисидаги маълумотларни тузадилар, уларда автомашиналарнинг давлат рақамлари, пахта чигити массасини кўрсатишади ва уларнинг ёф-мой корхонасига етиб келишини таққослайдилар.

«Сифат» вилоят маркази инспекторлари ҳар куни вилоят бўйича ҳар қайси пахта тозалаш корхонасидан юклаб жўнатилган пахта чигити сифати ва массасига доир маълумотларни тўплайдилар ва электрон почта орқали «Сифат» марказига жўната дилар.

IV. Ёф-мой корхоналари томонидан техник пахта чигитини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш

36. Тарозибон пахта чигити автомобиль транспортида келтирилганда ҳайдовчи-экспедитордан уч нусхада товар-транспорт юк хатини, Синаш протоколини олади, пахта чигити юклangan автотранспорт воситасини тарозида тортиди ва брутто массасини тарозида тортиш дафтарига, шунингдек нусха кўчириш қофози воситасида юк хатининг барча уч нусхасига ёзади ҳамда пахта чигити юклangan автомобиль транспорти воситасини кўрсатилган юк тушириш жойига жўнатади.

Пахта заводи юк хатининг барча уч нусхаси юк туширилгунгача ва бўш автомобиль тарозига қайтиб келгунгача тарозибонда қолади.

37. Автотранспорт тарозида тортилгандан кейин тарозибон қабул қилинган пахта чигитининг нетто массасини (брутто ва тара массаси ўртасидаги тафовут бўйича) тарозида тортиш дафтарига ва юк хатининг барча нусхаларига ёзади, юк хатларини имзолайди ва штамп қўяди. Ўлчовномалар дафтари тарозида тортиш хонасида қулф-

ланган ҳолда сақланиши керак. Навбатчи тарозибонлар ҳар қайси смена бўйича сўнгги ёзувлар охирига смена топширилгани ва қабул қилингани тўғрисида имзо қўядилар.

38. Тўлдирилган юк хатининг биринчи нусхасини Синаш протоколи билан бирга тарозибон ўзида қолдиради, иккинчи ва учинчи нусхаларини эса пахта чигитини етказиб берган ҳайдовчига (топширувчига) қайтаради ва унга, агар бундай ҳолат мавжуд бўлса, камомад тўғрисидаги далолатномани беради. Камомад тўғрисидаги далолатнома юк хати, Синаш протоколи билан бирга бухгалтерияга тақдим этилади.

Агар пахта чигити камомади автомобилларда ташиш вақтидаги табиий камайиш нормаларидан ошмаса, у ҳолда камомад тўғрисида далолатнома тузилмайди. Камомад далолатномаси асосида ҳайдовчи- экспедитордан йўлдаги камомад ҳажмидан ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулоти қиймати суммаси ундириб олинади ва келгусида ушбу ҳайдовчи пахта чигити ташишга такроран жалб этилмайди.

39. Чигит сифатини синаш протоколи маълумотларини назорат тартибида текшириш учун ёғ-мой заводи лабораторияси чигит етказиб берган автотранспорт во-ситасидан намуна олади ҳамда стандарт бўйича белгиланган методлар бўйича назорат тартиbidаги таҳлилларни ўтказади. Синаш протоколида кўрсатилган маълумотлардан амалдаги стандарт бўйича йўл қўйиладиган доирада чигитнинг сифати бўйича фарқ мавжуд бўлганда чигит синаш протоколида кўрсатилган сифат кўрсаткичлари бўйича кирим қилинади.

+ Ёғ-мой заводининг назорат таҳлили сифат бўйича синаш протоколида кўрсатилган маълумотлардан амалдаги стандарт бўйича йўл қўйиладиган доирадан ортиқча фарқни аниқлаган тақдирда бу ҳақда чигитнинг ушбу туркумини қайтадан синаш учун ёғ-мой заводининг вакилига ва «Сифат» марказининг инспекторига хабар берилади.

-

40. Қайта синовдан ўтказиш чигит туркумининг назорат намунаси бўйича белгиланган шаклда берилган апелляцияга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу масала ҳал бўлмагунга қадар чигит синаш протоколи кўрсаткичлари бўйича кирим қилинади. Қайта таҳлил натижалари олинганда миқдор-сифат хисоби дафтарига тегишли тузатиш ёзуви киритилади. Дастребки ёзув қизил сиёҳ билан чизилади, янги ёзув эса қора сиёҳ билан эътиroz қаноатлантирилган ойга ёзилади.

41. Чигит темир йўл транспортида келтирилганда тарозибон темир йўл вагонини чигит билан бирга тортади, дафтарга брутто массасини ёзди ва вагонни туширишга юборади. Чигит туширилгандан кейин вагон яна тортилади, дафтарга вагон массаси ёзилади ва қабул қилинган чигитнинг нетто массаси хисоблаб чиқарилади. Пахта чигити камомади уни темир йўл транспортида ташишда табиий камайиш нормасидан ортиқ бўлмаган тақдирда тијорат далолатномаси тузилмайди. Табиий камайиш нормаларидан ташкари брутто массасининг 0,1 фоизи миқдорида тарози фарқига йўл қўйилади.

42. Пахта чигити камомади уни темир йўл транспортида ташишда табиий камайиш нормасидан ортиқ бўлган тақдирда темир йўл станцияси, чигит хўжалиги бошлиғи иштирокида, «Сифат» маркази вакилини жалб этган ҳолда тијорат далолатномаси тузилади. Бунда темир йўлга камомад юзасидан эътиroz тасдиқланган нормалар бўйича табиий камайиш чегириб ташланган ҳолда тақдим этилади.

43. Синаш протоколининг чигит сифати тўғрисидаги маълумотларини назорат тартибида текшириш учун ёғ-мой заводи лабораторияси чигит етказиб берган темир йўл вагонларидан намуна олади ҳамда стандарт бўйича белгиланган методлар бўйича назорат тартиbidаги таҳлилларни ўтказади. Сифат бўйича ёғ-мой заводи-

нинг назорат таҳлили билан синаш протоколида кўрсатилган маълумотларда фарқ бўлган тақдирда автомобиль транспортида келтирилган чигитга нисбатан тутилган йўл қўлланади.

44. Чигитни чигит хўжалиги омбори бўйича хисобга олиш миқдор-сифат хисоби дафтарида (омбор дафтарида) навлар бўйича — кирим бўйича ҳамда турли навлар чигити аралашмаси — чиқим бўйича олиб борилади. Пахта чигити ўзаро солиштириш далолатномаларига мувофиқ кирим бўйича — намликтинг массадаги улуши ҳамда минерал ва органик аралашмаларнинг массадаги улуши амалдаги стандартга мувофиқ хисоблаб чиқарилган нормаларга келтирилган ҳолда, чиқим бўйича — физик масса бўйича, миқдор жиҳатдан физик ва кондицион масса бўйича хисобга олинади.

45. Пахта чигитини омборда сақлаш даврида уларнинг сифати ва миқдори бўйича сақланиши учун моддий жавобгар шахс — омбор мудири жавоб беради, у билан ушбу лавозимга тайинлаш вақтида унинг моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

46. Пахтанинг техник чигити сақланишини таъминлаш учун пахта чигитини етказиб беришни ўзаро таққослаш ўтказилади. Ҳар ойда пахта тозалаш заводлари ёғ-мой заводлари ва «Сифат» марказининг инспектори билан биргаликда б нусхада ўзаро таққослаш далолатномасини тўлдирадилар (1-шакл), унда пахта тозалаш заводлари томонидан юклаб жўнатилган чигит ҳажми ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирликда ҳамда ёғ-мой заводлари томонидан қабул қилинган чигит ҳажми ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирликда кўрсатилади, агар фарқ мавжуд бўлса унинг сабабларини биргаликда кўрсатадилар.

47. Пахта тозалаш заводи ва ёғ-мой заводининг раҳбари, бош бухгалтери ва чигит хўжалиги бошлиғи, шунингдек «Сифат» маркази инспектори томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган далолатномаларни пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводи ва «Сифат» маркази инспектори бир нусхадан хисобот давридан кейинги ойнинг 3-кунигача бўлган муддатда ўз юкори ташкилотларига юборадилар ҳамда бир нусхадан ўзларига олиб қоладилар. Пахта чигитини юклаб жўнатиш ва қабул қилиб олиш ўртасидаги фарқ уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари аниқлангандан кейин конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тартибда солинади.

48. Ўзаро таққослаш далолатномаларининг умумлаштирилган натижалари «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ҳамда «Сифат» маркази томонидан хисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.

49. Ишлаб чиқарилган тайёр ёғ-мой маҳсулотлари тортилади ва оғирлиги бўйича омбор мудирларининг масъулияти остида тайёр маҳсулотлар омборларига берилади.

Корхонанинг доимий фаолият кўрсатувчи хатлов комиссияси ҳар ойда хом ашё, тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш омборларини хатловдан ўтказади.

50. Пахтанинг техник чигитини қайта ишлаш тугаллангандан кейин «Сифат» маркази инспектори иштироқида барча ёғ-мой корхоналарида пахта чигити омборлари хатловдан ўтказилади ва тозаланади, уларнинг натижалари тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

V. Камомад ва нормативдан ортиқча йўқотишлар бўлганда зарар суммасини аниқлаш

51. Пахта чигитининг камомади ёки нормативдан ортиқча йўқотишлари:
пахта тозалаш заводларида — қолдикларни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган ва юклаб жўнатилган пахта чигити ҳажмларини таққослаш йўли билан;

ёф-мой заводларида — пахта тозалаш заводларидан юклаб жўнатилган чигит ҳажмларини ҳамда омборлардаги мавжуд қолдиқларни хисобга олган ҳолда қайта ишланган ҳажмларга мувофиқлигини таққослаш ўйли билан аниқланади.

Пахта чигитининг камомади ёки нормативдан ортиқча йўқотишлари ҳолати бўйича белгиланган тартибда далолатнома тузилади.

52. Аниқланган камомад ёки нормативдан ортиқча йўқотишлар бўйича зарар суммаси текшириш натижалари бўйича тузилган далолатномада кўрсатилган камомад (йўқотиш) ҳажмидан ишлаб чиқариладиган ёф-мой маҳсулотлари қиймати бўйича аниқланади.

Пахта тозалаш ва ёф-мой корхоналарида
пахта чигитини ишлаб чиқариш, харакати,
сақлаш ҳамда қайта ишлашда дастлабки
хисобга олишни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-шакл

Пахта чигитини етказиб беришни ўзаро таққослаш Далолатномаси

200__йил «__»_____

Етказиб берувчи _____
(номи ва манзили)

Олувчи _____
(номи ва манзили)

«Сифат» марказининг инспектори _____
(номи ва манзили)

200__йил «__»_____ дан 200__йил «__»_____ гача бўлган даврда пахта чигити етказиб беришни таққослаб чиқдик.

Таққослаш натижасида куйидагилар аниқланди:

Етказиб берувчи маълумотларига кўра			Олувчи маълумотларига кўра			Фарқи (+ортиқча, - камомад)	
нави	Физик массаси, кг	Конди- цион массаси, кг	нави	Физик массаси, кг	Конди- цион массаси, кг	Физик массаси, кг	Конди- цион массаси, кг
1	2	3	4	5	6	7	8

Юзага келган фарқни тушунтириш: (чигитнинг навини нотўғри аниқлаш хисобига, чигитнинг йўлда ушланиб қолиши хисобига ва бошқалар)

Етказиб берувчи имзо:

Раҳбар — имзо

Бош бухгалтер — имзо
М.Ў.

«Сифат» маркази инспектори — имзо

Олувчи имзо:

Раҳбар — имзо

Бош бухгалтер — имзо
М.Ў.

М.Ў.

Ҳар ойда пахта тозалаш заводи ва ёф-мой заводининг масъул вакиллари, шунингдек «Сифат» марказининг инспектори 6 нусхада ўзаро таққослаш далолатно-

масини тўлдирадилар, унда пахта тозалаш заводлари томонидан юклаб жўнатилган чигит ҳажми ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирлиқда ҳамда ёғ-мой заводлари томонидан қабул қилинган чигит ҳажми ассортимент бўйича, физик ва кондицион оғирлиқда кўрсатилади, агар фарқ мавжуд бўлса унинг сабабларини биргаликда кўрсатадилар.

Пахта тозалаш заводи ва ёғ-мой заводининг раҳбари, бош бухгалтери ва чигит хўжалиги бошлиғи, шунингдек «Сифат» маркази инспектори томонидан имзолangan ҳамда муҳр билан тасдиқланган далолатномаларни пахта тозалаш заводи, ёғ-мой заводи ва «Сифат» маркази инспектори бир нусхадан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-кунигача ўз юқори ташкилотларига юборадилар ҳамда бир нусхадан ўзларига олиб қоладилар.

Пахта чигитини юклаб жўнатиш ва қабул қилиб олиш ўртасидаги фарқ уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари аниқлангандан кейин белгиланган тартибда тартибга солинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

382 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларини ўз кучини ўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Гаров ҳуқуқларини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича норматив-хуқуқий базани тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 20 сентябрь,
202-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 20 сентябрдаги 202-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини ўқотган
қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 1 февралдаги 50-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 2-сон, 8-модда).

2. Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 3-банди.

3. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигига векслеларни қўллаш тўғрисида» 1995 йил 2 июнданги 204-сон қарорининг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 6-сон, 19-модда).

4. Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 8 апрелдаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 3-банди.

5. Вазирлар Махкамасининг «Гаров тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш хақида» 1997 йил 8 апрелдаги 178-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 4-сон, 15-модда).

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

383 Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
11 сентябрда 1158-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 21 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 7 июнда тасдиқланган Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 10 июль, рўйхат рақами 1158) қўшимча иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори К. ТАЛИПОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 сентябрь,
2006-09-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

384 Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишига қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 сентябрда 1622-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сонли «Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига (Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 43-44-сон, 328-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

+ 1. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишига қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

- 2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 сентябрь,
80-сон

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Р. ҚОСИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 сентябрь,
211-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 8 сентябрдан 22 сентябргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридағи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши маркази бош директорининг 2006 йил 6 сентябрдаги 2006-09-сон буйруғи.

2006 йил 11 сентябрда 1158-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 21 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишига қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-куватлаш ғоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2006 йил 12 сентябрдаги 80, 211-сон қарори.

2006 йил 14 сентябрда 1622-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 сентябрдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишининг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йил 7 июндаги 02-01 / 2хфу-сон хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирманган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.